



“ 15 ” *апрел* 20 *19* у № *15*

**Натура холида асосий озик-овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича услубий низом**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг 5¹-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Натура холида асосий озик-овқат ресурсларининг йиллик балансини тузиш бўйича услубий Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор тасдиқланган кундан кучга киради.

Раис

A handwritten signature in black ink, appearing to be the name of the official.

Б. Бегалов

**Натура ҳолида асосий озиқ - овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича
услубий низом**

Мазкур услубий низом балансларни ишлаб чиқиш йўли билан озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотларнинг шаклланиш механизмини белгилайди.

Низомда Республика бўйича барча тоифадаги хўжаликларда йилда бир марта йиллик якуний маълумотлар асосида асосий озиқ-овқат ресурслари балансини (кейинги ўринларда баланс деб аталади) натура ҳолида тузиш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Мазкур услубий низомни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан, шунингдек БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) тавсияларидан ва МДҲ давлатларининг тажрибаларидан фойдаланилди.

Балансларни тузиш бўйича ҳисоблаш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури ва Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури асос бўлиб ҳисобланади.

1. Умумий қондалар

1. Асосий озиқ-овқат ресурслари баланси - асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари ресурсларининг келиб тушиш манбалари ва уларнинг фойдаланиш йўналишлари бўйича баланслаштирилган маълумотлар тизимини ўзида ифодалайди.

Баланслар, маҳсулотлар ишлаб чиқарилган вақтдан то уларнинг охириги фойдаланилишигача бўлган ҳаракатини ифодалаб, жорий таҳлилларни амалга оширишга ва озиқ-овқат бозорларидаги вазиятнинг ривожланишини прогнозлаштиришга, импортга бўлган талабни баҳолашга, мамлакатнинг ўз-ўзини таъминлаши даражасини ҳисоблашга, озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли томонидан шахсий истеъмоли фондини аниқлашга ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига ўртача истеъмоли даражасини ҳисоблашга имкон яратади. Республика озиқ-овқат хавфсизлигининг стратегик мақсади мамлакат аҳолисини хавфсиз ва сифатли қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари, хом-ашё ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳисобланади.

2. Баланслар Давлат статистика қўмитаси томонидан календарь йил учун натура ҳолида – дон, картошка, сабзавотлар, озиқбоп полиз, мевалар ва резаворлар, узум, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ бўйича тузилади.

3. Маҳсулот турлари бўйича тузиладиган баланслар, маҳсулотлар хом-ашёси бўйича, шунингдек уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни асосий (дастлабки) турдаги маҳсулотларга айлантирилган ҳолдаги маҳсулотлар бўйича маълумотларни ўзида мужассам этади.

4. Балансларни тузишда давлат статистика кузатувлари шакллари маълумотларидан, шунингдек саноат ишлаб чиқариш статистикаси, нарх, ижтимоий соҳа, демографик ва божхона статистикаси маълумотларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, озиқ-овқат балансини шакллантиришда эксперт баҳолаш ва иқтисодий ҳисоблашлар ҳам қўлланилади.

5. **Балансларнинг ресурс қисми** - тушумларнинг ҳажми – мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг импорти, ҳисобот даври бошига мавжуд бўлган захиралар миқдоридан жамланади.

6. **Балансларнинг тақсимот қисми** – ресурслардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти, ишлаб чиқариш истеъмоли (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан уруғлик, (инкубация учун тухумлар) моллар ва паррандалар озуқаси учун сарфлангани)), ноозиқ-овқат мақсадларида қайта ишлаш, йўқотишлар, аҳолининг шахсий истеъмоли ва ҳисобот даври охирига мавжуд бўлган захиралар миқдоридан жамланади.

7. Балансларнинг шартли тасвири (схемаси) куйидаги умумий кўринишга эга:

$$(Z_6 + ИЧ + И = ЖР) = (ИЧИ + НОҚ + Э + Й + Z_6 + ШИФ)$$

Ресурслар:

1. Йил бошига мавжуд захира (Z_6)
2. Йиллик ишлаб чиқариш ($ИЧ$)
3. Импорт ($И$)
4. Жами ресурслар ($ЖР$)

Ресурслардан фойдаланиш:

5. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш истеъмоли ($ИЧИ$)
6. Ноозиқ - овқат мақсадларида қайта ишлаш ($НОҚ$)
7. Экспорт ($Э$)
8. Йўқотишлар ($Й$)
9. Йил охирига мавжуд захира (Z_6)
10. Аҳоли томонидан шахсий истеъмомол фонди ($ШИФ$).

$$ШИФ = 4 - 5 - 6 - 7 - 8 - 9.$$

8. Озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли томонидан шахсий истеъмомол фонди балансларнинг барча қисмлари билан маҳсулотларнинг ноозиқ-овқат мақсадларида фойдаланилган қисмлари орасидаги фарқ сифатида ҳисобланади ва аҳоли жон бошига истеъмомол қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини баҳолаш учун фойдаланилади.

2. Балансларнинг айрим қисмлари шаклланиши

9. Балансларни тузиш деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари учун ягона схема (1-илова) бўйича амалга оширилади. Балансларнинг ресурс ва тақсимот қисмлари

ҳисоблаш усули ва ахборотлар таъминоти маҳсулотларнинг муайян турларига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида турлари асосида тузилади.

10. Балансларнинг ресурс қисмига республикада йил бошига мавжуд бўлган захира, республикадаги йиллик ишлаб чиқариш ва республикага бошқа давлатлардан импорт бўлган маҳсулотлар ҳажмлари қўшилади.

11. Маҳсулотлар захиралари - Республикада ресурслар ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли кўлами ва даражасига ишлаб чиқариш ва фойдаланиш муҳитидаги захираларнинг ўсиши ёки камайиши таъсир кўрсатади.

Захиралар ишлаб чиқариш ва охириги истеъмол оралиғидаги барча даражаларда ҳисобга олинади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

Йил бошига захиралар - ҳисобот йилининг биринчи кунига мавжуд бўлган ва ўтган ҳисобот йилидан ўтиб келаётган, фойдаланилмасдан турган захираларни ўзида ифодалайди;

Йил охирига захиралар - ҳисобот йилининг охириги кунига мавжуд бўлган захиралар.

Мазкур қисмда маҳсулотлар захираси натура ва қайта ишланган ҳолда ҳисобот даврида уларнинг сақланиш жойидан қатъий назар ҳисобга олинади.

12. Захираларнинг ўзгариши - йил охирига ва йил бошига бўлган захиралар ҳажмларининг фарқи тенглаштирилади. Захираларнинг ўзгариш белгиси манфий (ҳисобот даври давомида захираларнинг камайиши) ёки мусбат (кўпайиши) бўлиши мумкин ва булар баланснинг ресурслар қисмида қарама-қарши белги билан ифодаланади.

13. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш - озиқ-овқат ресурслари шаклланишининг асосий манбаълари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳисобланади.

Баланслар барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, хусусан, фермер хўжаликлари, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Балансларнинг “маҳсулотлар ишлаб чиқариш” қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича тўлдиришда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги йиллик давлат статистика кузатувлари шакллари маълумотлари асосида барча тоифадаги хўжалиқлардаги йиллик ишлаб чиқариш ҳажмлари аниқланади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларига ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарилган, ишлаб чиқарувчилар томонидан “шахсий истеъмол” учун фойдаланилганини қўшган ҳолдаги барча маҳсулотлар қўшилади. Ишлаб чиқариш жараёни доирасидаги, масалан, ҳосилни йиғиб олиш пайтидаги йўқотишлар ишлаб чиқариш ҳажмларига қўшилмайди.

14. Дон экинларини ишлаб чиқариш - ишлов берилган (тозаланган ва қуритилган)дан кейинги вазнда кўрсатилади ва барча бошоқли дон экинларини, дон учун маккажўхори, шоли, барча дуккакли дон экинларини ва бошқа дон экинларини ўз ичига олади. Ишлаб чиқарилган физик вазндаги дон экинлари ҳажмлари ҳар бир дон экинлари турлари бўйича алоҳида белгиланган коэффициентлар орқали ишлов берилгандан кейинги вазнга айлантирилади (2 - илова).

15. **Картошка ишлаб чиқариш** – физик вазнда кўрсатилади ва барча картошка турларини, уруғлик, озиқбоп ва бошқаларни ўз ичига олади.

16. **Сабзавотлар ишлаб чиқариш** – очик ва ёпиқ ерларда етиштирилган барча сабзавотларни ўз ичига олади.

17. **Озиқбоп полиз ишлаб чиқариш** – тарвуз ва қовунларнинг ялпи ҳосилини ўз ичига олади.

18. **Мевалар ва резаворлар ишлаб чиқариш** – уруғлилар, данаклилар, ёнғок мевалилар, суптропик мевалар, резавор меваларнинг барча турлари, цитрус мевалар ялпи ҳосилини ўз ичига олади.

19. **Узум ишлаб чиқариш** – узумнинг барча, техник ва озиқбоп навлари ялпи ҳосилини ўз ичига олади.

20. **Гўшт ишлаб чиқариш** (сўйиш учун етиштирилган моллар ва паррандалар) – гўшт учун барча сотишларни, шунингдек, ўз хўжалигида сўйилган ва истеъмол қилинган йирик шохли қорамоллар, қўй ва эчкилар, чўчқалар, отлар, туялар, қуёнлар ва паррандаларни ўз ичига олади. Келгусида кўпайтириш учун сотилган ёш моллар ва паррандалар сўйиш учун сотиш ҳажмига қўшилмайди. Гўшт ишлаб чиқариш ҳажми сўйилган вазнда кўрсатилади, яъни тирик вазнда ишлаб чиқарилган гўшт ҳажмлари ҳар бир қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларининг турлари бўйича белгиланган коэффицентлар орқали алоҳида сўйилган вазнга айлантирилади (3 - илова).

21. **Сут ишлаб чиқариш** – сигирлардан, она қўйлардан, она эчкилардан ва она туялардан соғиб олинган сутнинг барча ҳажмларини, умумий соғиб олинган сут ҳажмидан ёш молларга ичириш учун сарфланган сут миқдорини қўшган ҳолда ўз ичига олади. Онаси билан бирга, онасини эмиб сақланадиган усулда боқиладиган ёш моллар эмган сут ялпи ишлаб чиқаришга қўшилмайди.

22. **Тухум ишлаб чиқариш** – курк товуклар ёрдамида ва инкубаторларда жўжа очиш учун сарфланган тухумларни қўшган ҳолда, барча турдаги паррандалар (товук, ўрдак, ғоз, курка, цесарка, бедана, туякуш ва бошқалар)дан олинган тухум миқдорларини ўз ичига олади.

23. **Асал ишлаб чиқариш** – асаларилар томонидан йиғилган, шунингдек уялардан чиқариб олинган, қишки-баҳорги даврда асаларилар озиқланиши учун уяларда қолдирилган асал миқдорларини ўз ичига олади.

24. **Балиқчилик маҳсулотлари** – табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан озиқ - овқат мақсадларида ушланган балиқлар вазнлари билан аниқланади. Балиқ овлаш (ов маҳсулоти) сув муҳитидан чиқариб олинган, лекин ҳали совутиш ва бошқа усул ёрдамида сақлаш ва қайта ишлашга йўналтирилмаган барча турдаги балиқлар ҳисобланади.

25. **Импорт** – йил давомида хорижда ишлаб чиқарилган мос равишдаги озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатга олиб кириш бўйича амалга оширилган барча операцияларни қамраб олади. Қайта ишланган ҳолда импорт қилинган саноат маҳсулотлари балансга у ёки бу маҳсулотларни хом - ашё, яъни натура ҳолига айлантирилгандан кейин қўшилади (4 - илова).

26. **Балансларнинг тақсимот қисми** – ишлаб чиқариш истеъмоли, ноозик-овқат мақсадларида қайта ишлаш, йўқотишлар, республикадан бошқа давлатларга экспорт, аҳолининг шахсий истеъмоли, йил охирига захираларни ўз ичига олади.

27. **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш истеъмоли** – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан уларнинг хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланилган (уруғликка, озукага, инкубация ҳамда курк паррандалар учун сарфланган тухумлар ва бошқа ноозик-овқат мақсадларидаги сарф-харажатлар) озик- овқат ресурслари қисмини ифодалайди.

28. **Уруғлик** – ҳисобот йилида экиш учун фойдаланилган миқдор. Уруғлик сарфи мос қишлоқ хўжалиги экинларининг экин майдонлари таркиби ва уруғлик экиш меъёрлари тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади (5 - илова).

Тайёр деҳқончилик маҳсулотларининг уруғлик учун сарфланган қисми 1 гектар майдонга уруғлик экиш меъёрини умумий экин майдонига кўпайтириш орқали аниқланади.

29. **Озука** – қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари учун тўғридан-тўғри озука сифатида фойдаланилган маҳсулотлар ҳажмлари. Бу тоифага мос маҳсулотлар ёки уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари, балансда алоҳида кўрсатилмаган ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари томонидан ҳисобот йилида озука сифатида истеъмол қилинган ҳажмлари киритилади.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмидан моллар ва паррандалар озуқаси учун фойдаланилган миқдорлари ўтган йилларда балансларни тузиш учун қўлланилган ўртача коэффицентлар асосида аниқланади (6 - илова).

30. **Инкубация тухумлари** – бош сонларни янгилаш учун фойдаланилган тухумлар миқдори. Инкубация учун сарфланган тухумлар миқдори ҳисобот йилида олинган насллар (жўжалар) бош сонини 1,4 коэффицентига кўпайтириш орқали ҳисобланади.

31. **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ноозик-овқат мақсадларида қайта ишлаш** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ноозик - овқат мақсадларида қайта ишлаш ҳажмлари ўтган йиллардаги баланслар бўйича уларнинг ресурслардаги солиштирма вазни орқали ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

32. **Экспорт** - ҳисобот йилида мос равишдаги озик - овқат маҳсулотларини мамлакат ташқарисига олиб чиқиш бўйича амалга оширилган барча операцияларни қамраб олади. Қайта ишланган ҳолда экспорт қилинган саноат маҳсулотлари балансга у ёки бу маҳсулотларни хом - ашё, яъни натура ҳолига айлантирилгандан кейин қўшилади (4 - илова).

33. **Йўқотишлар** - балансларда аҳоли шахсий истеъмоли нафақат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларига, балки ушбу маҳсулотларнинг истеъмолгача олиб борадиган барча босқичларидаги йўқотишлар даражасига ҳам боғлиқ. Маҳсулотларнинг турлари бўйича йўқотишлар миқдорлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан фоизда аниқланади ва бу фоизлар мос маҳсулотлар бўйича маҳсулотлар йўқотишларини аниқлаш учун фойдаланилади (7 - илова).

3. Озиқ - овқат маҳсулотларининг аҳоли томонидан шахсий истеъмоли фондини аниқлаш

34. Аҳоли томонидан шахсий истеъмоли фонди, балансларнинг барча кирим қисмлари ва маҳсулотларнинг ноозиқ-овқат мақсадларида фойдаланилган қисмлари орасидаги фарқи сифатида ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли томонидан шахсий истеъмоли фонди барча маҳсулотлар ресурсларидан ҳисобот йилида озиқ-овқат учун фойдаланилмаган қисмини чиқариб ташлаш орқали аниқланади, яъни, жами ресурслар – ишлаб чиқариш истеъмоли – ноозиқ-овқат мақсадларида қайта ишлаш – маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан то маҳсулотларни сотишгача бўлган босқичлардаги йўқотишлар – экспорт ва маҳсулотларни мамлакат ташқарисига олиб чиқиш – йил охирига мавжуд захиралар.

Аҳоли шахсий истеъмоли фонди ва доимий аҳолининг йиллик ўртача сони орқали аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган асосий озиқ - овқат маҳсулотлари истеъмоли миқдори аниқланади.

Аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари шахсий истеъмоли фонди натура ҳолида дон, картошка, сабзавотлар, озиқбоп полиз, мевалар ва резаворлар, узум, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ бўйича шакллантирилади.

Аҳоли шахсий истеъмоли фонди таркибига кирган барча қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари коэффициентлар тизими ёрдамида дастлабки маҳсулот ҳолига қайта ҳисобланади (4 - илова).

Қуйида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли шахсий истеъмоли фондининг таркиби келтирилган:

35. Дон истеъмоли фонди – қайта ишланган дон маҳсулотларисиз, дон ва дуккакли дон экинларини ўз ичига олади. Дон шахсий истеъмоли фонди таркибига аҳоли томонидан фақат хом ҳолида истеъмоли қилинган донлар қўшилади ва қайта ишланган ҳолида истеъмоли қилинган донлар (ун, ёрма, макарон ва ун кондитер маҳсулотлари ва бошқалар) дастлабки маҳсулот ҳолига қайта ҳисобланиб, дон истеъмоли фондига қўшилмайди.

36. Картошка истеъмоли фонди – янги ҳолидаги картошкаларни ва коэффициентлар орқали янги картошкага айлантирилган ярим тайёр маҳсулотларни (картошка крекерлари, парчаланган картошка, картошка оқшоғи (қуруқ бўтқа)), тилимланган қарсиллоқ картошка ва сомонсимон картошка, тезкор музлатилган картошка маҳсулотлари, қуритилган картошка, картошка крахмалини ўз ичига олади.

37. Сабзавот ва полиз экинлари истеъмоли фонди – янги сабзавотлар ва полиз экинларини, янги ҳолига айлантирилган сабзавот консерваларини, шарбатларини, помидор маҳсулотларини, қуруқ ва тезкор музлатилган сабзавотларни ўз ичига олади. Ачитилган, маринадланган, тузланган сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари асосий маҳсулот турига айлантирилмасдан истеъмоли фондига қўшилади.

38. Мевалар ва резаворлар, узум истеъмоли фонди – янги ҳолидаги мевалар (уруғлилар, данаклилар, ёнғоқ мевалилар, суптропик мевалар), резавор мевалар, цитрус мевалар ва узумни ва янги ҳолига айлантирилган қайта ишланган маҳсулотлар (мевалар

ва резаворлар консервалари, мураббо, шинни, киём, курук мевалар, мевалар ва узум шарбатлари, тезкор музлатилган мевалар ва резаворлар)ни ўз ичига олади.

39. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол фонди – ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг гўштлирини (қорамол, қўй, эчки, чўчка, от, туя, қуён, паррандалар ва бошқалар), мос коэффициентлар (4 - илова) орқали гўштга айлантирилган гўшт маҳсулотларини (колбаса маҳсулотлари, гўшт ва гўшт-ўсимлик консервалари, котлетлар, музлатилган гўшт таомлари ва бошқалар), I - тоифадаги субпродуктлар (калла-поча, ичак- човоқ), II - тоифадаги субпродуктлар (қорин, ошқозон, ўпка, калла, талоқ, елин ва бошқалар), хом ёғга айлантириб ҳисобланган (4 - илова) озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинадиган ҳайвон ёғларини ўз ичига олади.

40. Сут ва сут маҳсулотлари истеъмол фонди – физик вазндаги барча турдаги сутларни ва базис ёғлиликдаги сутга айлантириб, қайта ҳисобланган сут маҳсулотлари (ҳайвон ёғи, ёғли пишлок, бринза, юмшоқ пишлок, сут консервалари, курук сут маҳсулотлари, табиий ёғлиликдаги сут маҳсулотлари (табиий ёғлиликдаги сут, ачитилган сут маҳсулотлари, қаймоқ, сметана, пишлок ва пишлок массалари, творог, творог ярим тайёр маҳсулотлари, музқаймоқ ва бошқалар)ни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси учун сутнинг базис ёғлилиги 3,6% ни ташкил этади.

Сут маҳсулотларини базис ёғлиликдаги сутга айлантириш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади (қаймоқ мисолида):

$$C_{\text{бё}} = K \times E_{\text{к}} \div E_{\text{сб}}$$

бу ерда:

$C_{\text{бё}}$ - базис ёғлиликдаги сут миқдори, (кг, тонна), K – қаймоқ миқдори (кг, тонна), $E_{\text{к}}$ – қаймоқнинг ҳақиқий ёғлилиги, $E_{\text{сб}}$ – сутнинг базис ёғлилиги (3,6%).

41. Тухум ва тухум маҳсулотлари истеъмол фонди – барча турдаги қишлоқ хўжалиги паррандаларидан олинган тухумларни, шунингдек тухумга айлантириб ҳисобланган тухум маҳсулотлари (тухум кукуни, меланж ва бошқалар)ни ўз ичига олади.

42. Асал истеъмол фонди – натура ҳолидаги барча асал навлари миқдорларини, асаларилар томонидан йиғилган, уялардан чиқариб олинган, шунингдек қишқи-бахорги даврда асаларилар озиқланиши учун уяларда қолдирилган асал миқдорларини ўз ичига олади.

43. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол фонди – тирик ва асосий маҳсулотга айлантирилган ҳолдаги совутилган, музлатилган, тузланган, хушбўй таъм берилган ва маринадланган, қуритилган, дудланган, қоқланган, суяксиз балиқ гўшти (филе), осетр, лосос ва бошқа балиқлар увилдириғи, балиқ ярим тайёр маҳсулотлари, денгиз маҳсулотлари, майда қисқичбақалар (креветки), кальмарлар, қисқичбақалар ва бошқалар, бошқа балиқ ва денгиз маҳсулотлари, балиқ консерваларини ўз ичига олади.

44. Бундан ташқари, озиқ-овқат ресурслари баланси маълумотлари аҳоли жон бошига озиқ-овқат ресурсларининг муайян турларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ва аҳоли жон бошига шахсий истеъмол ҳажмларини акс эттирадиган жадаллик кўрсаткичларини ҳисоблаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

$$АЖБИ = ИЧ \div ДАЎС$$

$$\dot{YI} = \text{ШИФ} \div \text{АЖБИ}$$

Бу ерда:

АЖБИ - аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш (бир йилда килограмм);

ИЧ – ишлаб чиқариш;

ДАЎС – доимий аҳолининг йиллик ўртача сони;

ЎИ – аҳоли жон бошига ўртача озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли (бир йилда килограмм);

ШИФ – аҳоли шахсий истеъмол фонди (истеъмол фонди).

Аҳоли жон бошига шахсий истеъмол ҳажмини ҳисоблашда қайта ишланмаган ҳолдаги шахсий истеъмол фонди маълумотларидан фойдаланилади.

4. Асосий озиқ - овқат ресурслари балансини пул кўринишида тузиш

45. Натура ҳолида озиқ-овқат ресурслари балансини тузиш билан бир қаторда пул кўринишида ҳам баланс тузилади (1 - илова).

Маҳсулотларнинг умумий қийматини аниқлаш учун маҳсулотларнинг умумий ҳажми мос маҳсулотларнинг ўртача нархига кўпайтирилади.

Маҳсулотларнинг умумий қийматини аниқлаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади (**жами дон ва дуккакли дон экинлари мисолида**):

$$ДУҚ = ДУХ \times ДЎН$$

бу ерда:

ДУҚ – дон ва дуккакли дон экинларининг умумий қиймати (сўм, минг сўм, млн. сўм);

ДУХ – дон ва дуккакли дон экинларининг умумий ҳажми (кг, центнер, тонна, минг тонна);

ДЎН – дон ва дуккакли дон экинлари ҳажм бирлигининг ўртача нархи (сўм, минг сўм, млн. сўм).

Дон, картошка, сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар ва резаворлар, узум, гўшт, сут, тухум, асал, балиқ маҳсулотларининг умумий қийматини аниқлашда ҳам юқоридаги формуладан фойдаланилади.

5. Мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаши даражасини аниқлаш

46. Озиқ-овқат ресурслари баланси маълумотларига асосан мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткич – асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш даражаси аниқланади.

Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш даражаси ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мамлакатнинг барча эҳтиёжларини қай даражада қондира олишини акс эттиради ёки “мамлакатнинг ички эҳтиёжи” деб аталувчи кўрсаткични ифодалайди. Ўз-ўзини таъминлаш даражаси Республика бўйича аниқланади.

Мамлакатнинг ўз-ўзини таъминлаш даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг алоҳида турлари бўйича тегишли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларининг мамлакатдаги истеъмолига фойздаги нисбати сифатида аниқланади. Худди шундай ўз-ўзини таъминлаш даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг алоҳида турлари бўйича аниқланади.

Умумий кўринишда ўз-ўзини таъминлаш коэффициентини (*ЎТК*) ҳисоблаш алгоритми қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин:

$$\text{ЎТК} = \text{ишлаб чиқариш ҳажми} \div \text{ички истеъмол} \times 100\%$$

47. **Ички истеъмол** – ишлаб чиқариш истеъмоли, аҳолининг шахсий истеъмоли (истеъмол фонди), маҳсулотларни йўқотиш, ноозик-овқат мақсадларида қайта ишлаш кўрсаткичларини ўз ичига олади.

48. **Ишлаб чиқариш истеъмоли** – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан ички хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган маҳсулотларни, уруғлик, моллар ва паррандалар учун озуқа, инкубация ва курк паррандалар учун тухумларни ифодалайди.

49. **Аҳоли шахсий истеъмол фонди** – мамлакат аҳолиси истеъмоли учун йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

50. **Ноозик-овқат мақсадларида қайта ишлаш** – корхона ва ташкилотлар томонидан медбиопрепаратлар, илмий-тадқиқот ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

6. Ахборот таъминоти

51. Балансларни тузиш учун зарур бўладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари бўйича ахборотлар қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари асосида шакллантирилади (8 - илова).

52. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг импорти ва экспорти бўйича ахборотлар давлат ва божхона ташқи савдо статистикаси маълумотлари асосида шакллантирилади (8 - илова).

53. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача нархлари бўйича ахборотлар нархлар статистикаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари асосида шакллантирилади (8 - илова).

54. Қишлоқ хўжалиги экинларини экишдаги уруғлик экиш меъёрлари “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар сарфи меъёрлари”, Тошкент - 2016й. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази, Тошкент давлат аграр университети, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти) – ҚХИИТИ (ЎЗР. ҚСХВ, ЎзҚХИИЧМ), 2016. ЎЗР ҚСХВ 2016 йил 22 январдаги 1/1-сонли қарори билан маъқулланган) асосида аниқланади.

55. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотишдаги йўқотишлар “Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативлари” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 15 сентябрда 2824 - сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон

Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 24 августдаги 28-сон буйруғи) асосида аниқланади.

56. Доимий аҳолининг йиллик ўртача сони тўғрисидаги ахборотлар аҳолининг жорий ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади (8 - илова).

**Асосий озиқ - овқат ресурслари балансини тузиш бўйича шартли схема
(2018 йил учун, барча тоифадаги хўжаликлар)**

	Сатр коди	Дон ва дуккакли дон экинлари – жами [*]		
		Миқдори, минг тонна	1 тоннаси нархи, минг сўм	Қиймати, млн. сўм (1 x 2)
А	Б	1	2	3
1. Ресурслар:	х	х	х	х
2018 йил 1 январь ҳолатига бўлган захира	101			
Йиллик ишлаб-чиқариш	102			
Импорт	103			
Жами ресурслар (101 + 102 + 103)	104			
2. Ресурслардан фойдаланиш:	х	х	х	х
Ишлаб чиқариш истеъмоли – жами (106 + 107 + 108)	105			
шу жумладан:	х	х	х	х
уруғлик учун	106			
моллар ва паррандаларга озуқа учун	107			
ноозик-овқат мақсадларида қайта ишлаш учун	108			
Экспорт	109			
Йўқотишлар	110			
2019 йил 1 январь ҳолатига бўлган захира	111			
Шахсий истеъмол фонди (104 – 105 – 109 – 110 - 111)	112			
Жами тақсимланди (105 + 109 + 110 + 111 + 112)	113			
Доимий аҳолининг ўртача йиллик сони, минг киши	114			
Аҳоли жон бошига ишлаб-чиқарилди, кг (102 / 114 x 1000)	115			
Аҳоли жон бошига истеъмол қилинди, кг (112 / 114 x 1000)	116			
Ўз-ўзини таъминлаш коэффициенти (ЎТК), % (102 / (105 + 110 + 112) x 100)	117			

* шартли схема бошқа турдаги озиқ - овқат ресурсларини ҳисоблашда ҳам фойдаланилади

Натура ҳолида асосий озиқ - овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича услубий низомга
2 - илова

**Физик вазндаги дон ва дукаккли дон экинларини ишлов берилгандан
кейинги вазнга ўтказиш тахминий коэффицентлари**

Дон экинларининг номлари	Меъёрий намлик, %	Меъёрий ифлосланганлик, %
Дон ва дукаккли дон экинлари	19	7
шу жумладан:	х	х
бошоқли дон экинлари	19	8
шоли	19	5
маккажўхори дон учун	25	8
дукаккли дон экинлари	22	8
бошқа дон экинлари	18	7

Натура ҳолида асосий озиқ - овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича услубий низомга
3 - илова

**Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари тирик вазнини
сўйилган вазнга ўтказиш тахминий коэффицентлари**

№	Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари турлари	Тирик вазнига нисбатан улуши, %
1	Йирик шохли қорамоллар	50 - 66
2	Қўйлар	65 - 71
3	Эчкилар	45 - 55
4	Отлар	47 - 60
5	Туялар	47 - 56
6	Қуёнлар	47 - 62
7	Чўчкалар	70 - 85
8	Барча турдаги паррандалар	75 - 85

**Қайта ишлаш маҳсулотларини асосий тур маҳсулотларга
ўтказишнинг тахминий коэффициентлари**

№	Қайта ишлаш маҳсулотлари номлари	Қайта ҳисоблаш коэффициенти
1. Гўшт маҳсулотлари		
1	Колбаса маҳсулотлари (ўртача коэффициент)	1,37
2	Қайнатилган колбасалар, сосискалар, сарделькалар	1,2
3	Ярим дудланган колбасалар	1,7
4	Қайнатилган – дудланган колбасалар	2,0
5	Хом ҳолича дудланган колбасалар	2,5
6	Пельменлар	0,55
7	Гўштли котлетлар	0,75
8	Гўшт-ўсимликли котлетлар	0,5
гўштли консервалар		
9	Шартли банкадан қайта ҳисоблаш учун	0,5
10	Вазнидан қайта ҳисоблаш учун (тонна)	1,4
11	Гўшт-ўсимликли консервалар	0,18
12	Фрикаделькалар (юмалоқ қиймалар)	1,0
13	Шўрва учун тўпламлар, рагу	0,6
14	Дудланган чўчка гўштли ва тузланган ёғлари	1,5
15	Қобикли дудлама гўштли	1,7
16	Парранда гўшtidан бўлган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	1,5
17	Ярим тайёр маҳсулотлар	1,0
18	Қиздирилган озиқ-овқат ёғлари	1,4
19	Хом ҳолича дудланган ва консерваланган чўчка гўшти	0,8
20	Лаҳм гўштли, қисмларга ажратилган ярим тайёр	1,6
катта бўлакли ва қадоқланган ярим тайёр маҳсулотлар		
21	Қорамол гўшtidан	1,35
22	Чўчка гўшtidан	1,2
23	Натура ҳолидаги қиймаланган гўшт	1,2
24	Сублимацион усулда қуритилган гўшт	9,7
25	Тезкор музлатилган гарнирлик ярим тайёр маҳсулотлар	0,5
2. Сут маҳсулотлари		
26	Қаймоқдан олинган ёғ (хайвон ёғи - сарёғ)	20,3
27	шу жумладан: тузланмаган, тузланган	23,6
28	ҳаваскор	22,5
29	деҳқонча	20,9
30	бутерброд учун	17,9
31	Пишлоқ	8,8
32	Юмшоқ пишлоқ	7,7
33	Сут консервалари	2,5
34	Қурук сут маҳсулотлари	7,3

№	Қайта ишлаш маҳсулотлари номлари	Қайта ҳисоблаш коэффициенти
35	Музқаймоқ	3,0
36	Ишлов берилган суюқ сут	0,92
37	Суюқ қаймоқ ва қаймоқ	5,4
38	Творог (уй пишлоғи), пишлоқ массаси	3,86
39	катиқ, йогурт	0,8
40	Маргарин маҳсулотлари	0,15
3. Тухум ва тухум маҳсулотлари		
41	Меланж	24,0
42	Тухум	1,0
43	Тухум кукуни	90,0
4. Қайта ишланган картошка		
44	Картошка крекерлари	3,0
45	қарсиллоқ картошка: тилимланган	3,9
46	пластинкалар	4,2
47	сомонсимон	4,2
48	Парчаланган картошка оқшоғи (куруқ бўтқа)	8,5
49	Тезкор музлатилган картошка	1,3
50	Қуритилган картошка	9,0
51	Крахмал	4,0
5. Қайта ишланган сабзавотлар ва полиз		
52	Сабзавот консервалари	1,125
53	Помидор шарбати	1,25
54	Помидор қайласи	3,175
55	Кетчуп	0,400
56	Помидор-бўтқа ва паста	3,25
57	Қуритилган сабзавотлар	8,0
58	Тезкор музлатилган сабзавотлар	1,4
59	Қовун қоқи (қуритилган)	16,4
6. Қайта ишланган мевалар ва резаворлар, узум		
60	Компотлар	0,75
61	Резаворлар шарбати	1,75
62	Шинни	0,85
63	Қиём	0,75
64	Мураббо	1,05
65	Резаворлар консервалари	1,25
66	Узум шарбати	1,8
67	Тезкор музлатилган мевалар ва резаворлар	1,2
68	Қуритилган мевалар ва резаворлар	7,5
7. Балиқ маҳсулотлари		
69	Балиқ консервалари	1,31

№	Маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган хом - ашёларнинг ўртача меъёрлари рўйхати	1 минг шартли банка учун, кг
70	Сабзаёт консервалари	450
71	Помидор консервалари	1005
72	ш.ж. помидор-паста	1300
73	помидор шарбати	500
74	помидор қайласи	1270
75	Резаворлар консервалари	500
76	ш.ж. резаворлар шарбати	700
77	узум шарбати	720
78	шинни	340
79	қиём	300
80	мураббо	420
81	Қуритилган картошка	9
82	1 минг шартли банка шарбатдаги узум	720
83	1 минг шартли шиша шампан виносидаги узум	1200
84	1 минг шартли банкадаги қуйилтирилган суг	400

Натура ҳолида асосий озиқ - овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича услубий низомга
5 - илова

Қишлоқ хўжалиги экинларини экишдаги уруғлик экиш меъёрлари

№	Қишлоқ хўжалиги экинлари	1 гектарга кг
1	Бугдой (кузги ва баҳорги)	130 - 250
2	Арпа (кузги ва баҳорги)	130 - 150
3	Жавдар	150 – 200
4	Маккажўхори дон учун	15 – 30
5	Оқ жўхори	8 – 15
6	Шоли	180 - 200
7	Сули	150 - 220
8	Мош	20 - 30
9	Ловия	100 - 120
10	Нўхат	60 - 80
11	Нут (турк нўхати)	18 - 20
12	Тарик	10 – 15
13	Маржумак	80 – 100
14	Картошка	2500 - 3500
15	Саримсоқпиёз тишчалари билан	500 - 1000
16	Пиёз бош билан	1200 - 1600

Натура ҳолида асосий озиқ - овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича услубий низомга
6 - илова

**Тўғридан - тўғри қишлоқ хўжалиги моллари ва паррандалари учун озуқа
сифатида ҳамда озуқа тайёрлаш учун фойдаланилган қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларининг тахминий сарфлари**


№	Қишлоқ хўжалиги экинлари	Ишлаб чиқарилганига нисбатан, %
1	Дон экинлари	9,0 – 11,0
2	Картошка	0,4 – 0,7
3	Сабзавот экинлари	0,9 – 1,0
4	Полиз экинлари	0,9 – 1,3
5	Мевалар ва резаворлар	0,4 – 1,4
6	Узум	0,4 – 0,8
7	Гўшт	0,3 – 0,6
8	Сут	2,1 – 3,0
9	Тухум	1,5 – 2,3
10	Асал	15,0 – 25,0
11	Балиқ	10 – 15

Натура ҳолида асосий озиқ - овқат ресурсларининг
йиллик балансини тузиш бўйича услубий низомга
7 - илова

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, қадоқлаш
ва сотишдаги тахминий меъёрий йўқотишлар**

№	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (физик вазнда)	Ишлаб чиқарилганига нисбатан, %
1	Дон экинлари	1,2 – 1,5
2	Картошка	0,4 – 2,2
3	Сабзавот экинлари	0,5 – 3,8
4	Полиз экинлари	0,1 – 1,8
5	Мевалар ва резаворлар	0,4 – 2,1
6	Узум	0,2 – 0,8
7	Гўшт	0,2 – 0,5
8	Сут	0,1 – 0,2
9	Тухум	0,2 – 0,5
10	Асал	0,1 – 0,3
11	Балиқ	0,2 – 0,5

Натура ҳолида асосий озиқ-овқат ресурсларининг йиллик баланси шаклланиш механизми



ПРИЛОЖЕНИЕ
к постановлению Государственного комитета
Республики Узбекистан по статистике
от 15 апреля 2019 г. № 15

**Методические положения
по составлению годовых балансов основных
продовольственных ресурсов в натуральном выражении**

Настоящие методические положения определяют механизм формирования информации об использовании продовольственных ресурсов путем разработки балансов.

Методикой предусматривается проведение расчетов по составлению балансов основных продовольственных ресурсов (далее - баланс) в натуральном выражении один раз в году на основании годовых окончательных данных во всех категориях хозяйств в целом по республике.

